

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” АЖ ягона акциядорининг  
2024 йил «28» февралдаги  
2-2024 - сон қарорига  
2-илова

**“ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ  
ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ**

Тошкент – 2024 йил

---

**«УТВЕРЖДЕНО»**  
Приложение - 2  
к решению единственного акционера  
АО «Компания по развитию  
предпринимательства»  
от «28» февраля 2024 года №2-2024

**ПОЛОЖЕНИЕ  
ОБ ОБЩЕМ СОБРАНИИ АКЦИОНЕРОВ  
АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА  
«КОМПАНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА»**

Ташкент - 2024 год

Редакция положения на русском языке	Низомнинг давлат тилидаги тахрири
<p style="text-align: center;"><b>Раздел I.</b> <b>Общие положения</b></p>	<p style="text-align: center;"><b>I - бўлим.</b> <b>Умумий қоидалар</b></p>
<p>1.1. Настоящее Положение разработано в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», уставом АО «Компания по развитию предпринимательства» (далее по тексту – Общество) и определяет статус, регламентирует работу Общего собрания акционеров Общества, порядок его проведения и принятия решений.</p> <p>В обществе, все простые акции которого принадлежат одному акционеру, общие собрания акционеров не проводятся.</p> <p>Решения по вопросам, отнесенным Законом Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», уставом Общества и настоящим Положением к компетенции общего собрания акционеров, принимаются таким акционером единолично и подлежат оформлению в письменной форме. При этом положения, определяющие порядок и сроки подготовки, созыва и проведения общего собрания акционеров, не применяются, за исключением положений, касающихся сроков проведения годового общего собрания акционеров.</p>	<p>1.1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ (матн бўйича «Жамият») уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши мавқеини белгилайди, ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.</p> <p>Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Жамиятнинг устави ва мазкур Низом билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.</p>
<p>1.2. Общество обязано ежегодно проводить Общее собрание акционеров.</p>	<p>1.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши шарт.</p>
<p>1.3. Годовое общее собрание акционеров проводится не позднее чем через шесть месяцев после окончания финансового года. Как правило, годовое общее собрание акционеров проводится в июне. На годовом общем собрании акционеров решаются вопросы об избрании Наблюдательного совета Общества, а также рассматриваются годовой отчет Общества, отчеты Директора и Наблюдательного совета Общества о принимаемых мерах по достижению стратегии развития Общества и иные документы в соответствии с законодательством и уставом.</p>	<p>1.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши июнда ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва Жамият уставга мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият Директори ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.</p>
<p>1.4. Общие собрания акционеров, проводимые помимо годового Общего собрания, являются внеочередными.</p>	<p>1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.</p>

<b>Редакция положения на русском языке</b>	<b>Низомнинг давлат тилидаги тахрири</b>
1.5. Дата и порядок проведения Общего собрания акционеров, порядок сообщения акционерам о его проведении, перечень предоставляемых акционерам материалов (информации) при подготовке к проведению Общего собрания акционеров устанавливаются Наблюдательным советом Общества.	1.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
<b>Раздел II. Компетенция Общего собрания акционеров и принятие решений</b>	<b>II-бўлим. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорларни қабул қилиш</b>
2.1. К компетенции Общего собрания акционеров относятся:	2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига куйидагилар киреди:
2.1.1. внесение изменений и дополнений в устав Общества или утверждение устава Общества в новой редакции, за исключением внесения решением Наблюдательного совета изменений и дополнений в устав Общества, связанных с увеличением уставного фонда (уставного капитала) Общества и уменьшением количества объявленных акций Общества;	2.1.1. Жамият уставига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш, Кузатув кенгаши қарори билан Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш бундан мустасно;
2.1.2. реорганизация Общества;	2.1.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;
2.1.3. ликвидация Общества, назначение ликвидатора (ликвидационной комиссии) и утверждение промежуточного и окончательного ликвидационных балансов;	2.1.3. Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
2.1.4. определение количественного состава Наблюдательного совета Общества, избрание их членов и досрочное прекращение их полномочий;	2.1.4. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
2.1.5. определение предельного размера объявленных акций;	2.1.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
2.1.6. уменьшение уставного фонда (уставного капитала) Общества;	2.1.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;
2.1.7. приобретение собственных акций;	2.1.7. ўз акцияларини олиш;
2.1.8. утверждение организационной структуры Общества. Вместе с тем, вопрос утверждения организационной структуры Общества подлежит предварительному одобрению со стороны Наблюдательного совета;	2.1.8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. Шу билан бирга, Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим;
2.1.9. утверждение годового отчета Общества;	2.1.9. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
2.1.10. утверждение стратегии развития Общества на среднесрочный и долгосрочный период с определением её конкретных сроков исходя из основных направлений и цели деятельности Общества. В необходимых случаях внесение изменений и дополнений в утвержденные стратегии развития Общества;	2.1.10. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш. Зарур ҳолларда Жамиятнинг тасдиқланган ривожлантириш

Редакция положения на русском языке	Низомнинг давлат тилидаги тахрири
	стратегияларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
2.1.11. распределение прибыли и убытков Общества;	2.1.11. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
2.1.12. заслушивание отчетов Наблюдательного совета Общества по вопросам, входящим в его компетенцию, в том числе по соблюдению установленных законодательством требований по управлению Обществом;	2.1.12. Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
2.1.13. принятие решения об определении аудиторской организации для проведения обязательной аудиторской проверки, о предельном размере оплаты её услуг и заключении (расторжении) с ней договора;	2.1.13. мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
2.1.14. утверждение регламента общего собрания акционеров;	2.1.14. акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2.1.15. дробление и консолидация акций;	2.1.15. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
2.1.16. установление размеров, выплачиваемых Директору Общества вознаграждений и (или) компенсаций, а также их предельных размеров. При этом, данный вопрос подлежит предварительному одобрению со стороны Наблюдательного совета Общества;	2.1.16. Жамиятнинг Директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, ҳамда уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш. Бунда, мазкур масала Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим;
2.1.17. принятие решения о совершении Обществом сделок в случаях, предусмотренных главами 8 и 9 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;	2.1.17. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
2.1.18. решение иных вопросов в соответствии с законодательством и уставом Общества.	2.1.18. Жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.
2.2. Вопросы, отнесенные к компетенции общего собрания акционеров, не могут быть переданы на решение Директора Общества.	2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Директорига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.
2.3. Вопросы, отнесенные к компетенции общего собрания акционеров, не могут быть переданы на решение Наблюдательному совету Общества, за исключением случаев предусмотренных законодательством и уставом Общества.	2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатлари ва Жамият уставида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.
2.4. Решение по вопросам, указанным в подпунктах 2.1.1., 2.1.2., 2.1.3., 2.1.5., 2.1.12. и 2.1.17. настоящего Положения, принимается	2.4. Ушбу Низомнинг 2.1.1., 2.1.2., 2.1.3., 2.1.5., 2.1.12. ва 2.1.17. кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор

<b>Редакция положения на русском языке</b>	<b>Низомнинг давлат тилидаги тахрири</b>
<p>общим собранием акционеров большинством в три четверти голосов акционеров — владельцев голосующих акций, принимающих участие в общем собрании акционеров (квалифицированным большинством).</p> <p>Решение по формированию или увеличению государственной доли в уставном фонде (уставном капитале) Общества за счет имеющейся налоговой и иной задолженности перед государством принимается общим собранием акционеров простым большинством голосов акционеров, при наличии согласия акционеров (кроме государства), владельцев не менее двух третей размещенных голосующих акций Общества.</p>	<p>акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.</p> <p>Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.</p>
<p>2.5. Решения общего собрания акционеров по остальным вопросам, поставленным на голосование, принимаются большинством голосов акционеров — владельцев голосующих акций Общества (простым большинством), принимающих участие в собрании, если иное не установлено законодательством и уставом Общества.</p>	<p>2.5. Овозга қўйилган қолган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари, агар қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.</p>
<p>2.6. Голосование на общем собрании акционеров осуществляется по принципу «одна голосующая акция Общества — один голос», за исключением случаев проведения кумулятивного голосования по выборам членов Наблюдательного совета Общества.</p>	<p>2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.</p>
<p>2.7. Голосование на общем собрании акционеров по вопросам повестки дня осуществляется бюллетенями для голосования.</p>	<p>2.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.</p>
<p>2.8. При проведении общего собрания акционеров могут использоваться информационно-коммуникационные технологии, позволяющие обеспечивать возможность регистрации для дистанционного участия в общем собрании, обсуждении вопросов повестки дня и принятия решений по вопросам, поставленным на голосование в порядке, установленном законодательством.</p>	<p>2.8. Қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.</p>
<p align="center"><b>Раздел III.</b> <b>Право на участие в Общем собрании.</b> <b>Регистрация акционеров и их полномочных представителей</b></p>	<p align="center"><b>III-бўлим.</b> <b>Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакиллари рўйхатга олиш</b></p>

Редакция положения на русском языке	Низомнинг давлат тилидаги тахрири
<p>3.1. Право на участие в общем собрании акционеров имеют акционеры, зафиксированные в реестре акционеров Общества, сформированном за три рабочих дня до даты проведения общего собрания акционеров.</p> <p>По требованию акционера Общество обязано предоставить ему информацию о включении его в реестр акционеров Общества, сформированный для проведения общего собрания акционеров.</p>	<p>3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.</p> <p>Жамият акциядорининг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.</p>
<p>3.2. Не допускается внесение изменений и дополнений в реестр акционеров Общества, за исключением случая восстановления нарушенных прав лиц, не включенных в указанный реестр на дату его формирования, или исправления ошибок, допущенных при его формировании.</p>	<p>3.2. Жамият акциядорларининг реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.</p>
<p>3.3. На общем собрании акционеров имеют право присутствовать акционеры, зафиксированные в реестре акционеров Общества, их полномочные представители, аудитор Общества, члены Наблюдательного совета и Директор Общества.</p> <p>Кандидаты в члены Наблюдательного совета, на должность Директора Общества могут присутствовать на общем собрании акционеров при рассмотрении своих кандидатур.</p>	<p>3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Жамият аудитори, Кузатув кенгаши аъзолари ва Директор ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадир.</p> <p>Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига, Жамиятнинг Директори лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.</p>
<p>3.4. Для участия в Общем собрании, акционеры или их полномочные представители должны в установленном порядке пройти регистрацию по месту и времени, указанному в уведомлении о проведении собрания.</p>	<p>3.4. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари керак.</p>
<p>3.5. Представитель акционера на общем собрании акционеров действует на основании доверенности, составленной в письменной форме, если иное не установлено законодательством. Доверенность на голосование должна содержать сведения о представляемом и представителе (имя или наименование, место жительства или место нахождения, паспортные данные). Доверенность на голосование от имени физического лица должна быть удостоверена нотариально. Доверенность на голосование от имени юридического лица выдается за подписью его руководителя и заверяется печатью этого юридического лица (при наличии печати).</p>	<p>3.5. Агар қонунчиликда ўзгача қоида белгиланган бўлмаса акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган жойи, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилди.</p>

Редакция положения на русском языке	Низомнинг давлат тилидаги тахрири
<p>3.6. В случае если акция Общества находится в общей долевой собственности нескольких лиц, то полномочия по голосованию на общем собрании акционеров осуществляются по их усмотрению одним из участников общей долевой собственности либо их общим представителем. Полномочия каждого из указанных лиц должны быть надлежащим образом оформлены.</p>	<p>3.6. Агар Жамиятнинг акцияси бир неча шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.</p>
<p>3.7. Регистрация акционеров, физических лиц, прибывших для участия в Общем собрании, осуществляется при предъявлении паспорта или иного документа, удостоверяющего личность акционера, а в отношении представителя - также доверенности, заверенной нотариально.</p>	<p>3.7. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.</p>
<p>3.8. Руководитель юридического лица - акционера Общества осуществляет свои полномочия на Общем собрании по должности на основании правового акта о назначении на должность и документа, удостоверяющего личность.</p>	<p>3.8. Юридик шахс – Жамият акциядорининг раҳбари акциядорларнинг умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.</p>
<p>3.9. Представитель акционера - юридического лица может участвовать в Общем собрании при наличии доверенности на его имя, выданной за подписью руководителя организации или иного лица, уполномоченного на это его учредительными документами, заверенной печатью этой организации.</p>	<p>3.9. Юридик шахс – Жамият акциядорининг вакили акциядорлар умумий йиғилишида ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.</p>
<p>3.10. Для регистрации акционеров, прибывших на Общее собрание, в соответствие с реестром акционеров, имеющих право на участие в Общем собрании, составляется регистрационный список по форме согласно приложению №1. Регистрационный список должен быть сброшюрован, пронумерован, прошит и скреплен печатью Общества.</p>	<p>3.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш Жамият акциядорлари реестрига биноан 1 - иловада келтирилган шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати жузланган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.</p>
<p>3.11. При проведении общего собрания акционеры (их представители) расписываются в регистрационном списке и получают бюллетень (образец бюллетени приводится в приложении №2) для голосования исходя из количества голосующих акций каждого акционера, определенного по списку акционеров, имеющих право на участие в Общем собрании акционеров.</p>	<p>3.11. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш бюллетенини оладилар (бюллетен намунаси 2 - иловада келтирилган).</p>
<p>3.12. Если участник собрания предъявляет доверенность на представление интересов одного или нескольких акционеров, ему</p>	<p>3.12. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда</p>

<b>Редакция положения на русском языке</b>	<b>Низомнинг давлат тилидаги тахрири</b>
<p>выдаются бюллетени для голосования представляемого акционера (акционеров), а в регистрационном списке напротив фамилии представляемого акционера делается пометка: «по договоренности» № ____ от «__» по ____ (количество) голосующим акциям», и указывается фамилия, имя, отчество представителя.</p>	<p>унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетен бериледи, қайд этиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «_____» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.</p>
<p><b>Раздел IV.</b> <b>Подготовка к проведению годового</b> <b>Общего собрания акционеров</b></p>	<p><b>IV-бўлим.</b> <b>Акциядорларнинг йиллик умумий</b> <b>йиғилишига тайёргарлик кўриши</b></p>
<p>4.1. При подготовке к проведению общего собрания акционеров Наблюдательный совет определяет:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- дату, время и место проведения общего собрания акционеров;</li> <li>- повестку дня общего собрания;</li> <li>- дату формирования реестра акционеров общества для проведения общего собрания;</li> <li>- порядок сообщения акционерам о проведении общего собрания;</li> <li>- перечень информации (материалов), предоставляемой акционерам при подготовке к проведению общего собрания;</li> <li>- форму и текст бюллетеня для голосования;</li> <li>- порядок участия и голосования на общем собрании акционеров, в том числе дистанционно с использованием информационно-коммуникационных технологий.</li> </ul>	<p>4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Кузатув кенгаши қуйидагиларни белгилайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;</li> <li>- умумий йиғилишнинг кун тартибини;</li> <li>- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;</li> <li>- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;</li> <li>- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;</li> <li>- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини;</li> <li>- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.</li> </ul>
<p>4.2. Сообщение о проведении общего собрания акционеров публикуется на Едином портале корпоративной информации, на официальном веб-сайте Общества и в средствах массовой информации, а также направляется акционерам по электронной почте не позднее чем за двадцать один день, но не ранее чем за тридцать дней до даты проведения общего собрания акционеров.</p>	<p>4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўтгиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.</p>
<p>4.3. Сообщение о проведении Общего собрания акционеров должно содержать:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- наименование, местонахождение (почтовый адрес) и адрес электронной почты Общества;</li> <li>- дату, время и место проведения Общего собрания акционеров;</li> </ul>	<p>4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Жамиятнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили;</li> <li>- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;</li> </ul>



Редакция положения на русском языке	Низомнинг давлат тилидаги тахрири
<p>- дату формирования реестра акционеров Общества;</p> <p>- вопросы, включенные в повестку дня Общего собрания;</p> <p>- порядок ознакомления акционеров с информацией (материалами), подлежащей предоставлению акционерам при подготовке к проведению Общего собрания;</p> <p>- порядок участия и голосования на общем собрании акционеров, в том числе дистанционно с использованием информационно-коммуникационных технологий.</p>	<p>- Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;</p> <p>- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;</p> <p>- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.</p> <p>- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.</p>
<p>4.4. К информации (материалам), подлежащей представлению акционерам при подготовке к проведению Общего собрания акционеров, относятся годовой отчет Общества, заключение аудиторской организации по результатам проверки годовой финансово-хозяйственной деятельности Общества, заключение Наблюдательного совета Общества о возможности продления срока, перезаключения или прекращения договора с Директором, сведения о кандидатах в Наблюдательный совет Общества, проект изменений и дополнений, вносимых в Устав или проект Устава Общества в новой редакции, а также позиция Наблюдательного совета относительно повестки дня общего собрания акционеров.</p> <p>Перечень дополнительной информации (материалов), обязательной для представления акционерам при подготовке к проведению Общего собрания, может быть установлен уполномоченным государственным органом по регулированию рынка ценных бумаг.</p> <p>Информация (материалы), подлежащая предоставлению акционерам, должна быть доступна лицам, принимающим участие, в том числе дистанционно с использованием информационно-коммуникационных технологий, в общем собрании акционеров до и во время его проведения.</p>	<p>4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг Директори билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги устави лойиҳаси, шунингдек Кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби бўйича муносабати киради.</p> <p>Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.</p> <p>Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.</p>

Редакция положения на русском языке	Низомнинг давлат тилидаги тахрири
<p>4.5. Акционеры (акционер), являющиеся в совокупности владельцами не менее чем одного процента голосующих акций Общества, не позднее девяносто дней после окончания финансового года вправе внести вопросы в повестку дня годового общего собрания акционеров, предложения по распределению прибыли и выдвинуть кандидатов в Наблюдательный совет Общества, число которых не может превышать количественного состава Наблюдательного совета, за исключением выдвижения кандидатов в независимые члены Наблюдательного совета Общества.</p> <p>Кандидаты в независимые члены Наблюдательного совета выдвигаются Наблюдательным советом Общества для рассмотрения общим собранием акционеров, как правило, на конкурсной основе. При этом, акционеры также могут вносить на рассмотрение Наблюдательного совета Общества кандидатов в независимые члены Наблюдательного совета, отобранных на конкурсной основе или посредством «HeadHunter» компаний.</p>	<p>4.5. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар, фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда Жамиятнинг Кузатув кенгашига Кузатув кенгашининг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.</p> <p>Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун, қоида тарикасида, танлов асосида кўрсатилади. Бунда акциядорлар томонидан ҳам танлов асосида ёки “HeadHunter” компаниялар орқали танлаб олинган номзодлар мустақил аъзолик учун Жамият Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилиши мумкин.</p>
<p>4.6. Вопрос в повестку дня Общего собрания акционеров вносится в письменной форме с указанием мотивов его постановки, имени акционера (акционеров), вносящего вопрос, количества и типа принадлежащих ему акций.</p> <p>При внесении предложений о выдвижении кандидатов в Наблюдательный совет Общества, в том числе в случае самовыдвижения, указываются имя кандидата, количество и тип принадлежащих ему акций (в случае, если кандидат является акционером Общества), а также имена акционеров, выдвигающих кандидата, количество и тип принадлежащих им акций.</p>	<p>4.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.</p> <p>Жамият Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.</p>
<p>4.7. Наблюдательный совет Общества обязан рассмотреть поступившие предложения и принять решение о включении их в повестку дня Общего собрания акционеров или об отказе во включении в указанную повестку дня не позднее 10 дней после окончания срока, установленного в пункте 4.5. настоящего Положения.</p>	<p>4.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур низомнинг 4.5. бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.</p>
<p>4.8. Вопрос, внесенный акционером (акционерами), подлежит включению в повестку дня Общего собрания акционеров</p>	<p>4.8. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди</p>

<b>Редакция положения на русском языке</b>	<b>Низомнинг давлат тилидаги тахрири</b>
